



МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Валиева Мухлиса Сайдуллаевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0008-2957-7512

muxlisavaliyeva501@gmail.com

Аннотация. Ушбу тадқиқотнинг мақсади мамлакат иқтисодиётини давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида молиялаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш йўлларини таҳлил қилишдир. Давлат-хусусий шериклик, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик орқали иқтисодий ривожланишини самарали таъминлашга хизмат қиласди. Мақолада ДХШнинг иқтисодий ўсишга таъсири, замонавий лойиҳаларда инвестицияларни жалб қилиш механизmlари ва экспорт салоҳиятини ошириш учун керакли стратегиялар муҳокама қилинади.

Калим сўзлар: давлат-хусусий шериклик (ДХШ), иқтисодиёт, молиялаштириш, инвестиция, экспорт, ривожланиш, самарадорлик, рақобатбардошлиқ, давлат сектор, лойиҳа.

ПУТИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА И ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ

Валиева Мухлиса Сайдуллаевна

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Целью данного исследования является анализ путей финансирования экономики страны на основе государственно-частного партнерства (ГЧП), привлечения инвестиций и увеличения экспортта. Государственно-частное партнерство служит эффективному обеспечению экономического развития посредством сотрудничества государственного и частного секторов. В статье рассматривается влияние ГЧП на экономический рост, механизмы привлечения инвестиций в современные проекты, а также необходимые стратегии повышения экспортного потенциала.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство (ГЧП), экономика, финансирование, инвестиции, экспорт, развитие, эффективность, конкурентоспособность, государственный сектор, проект.

WAYS OF FINANCING THE COUNTRY'S ECONOMY BASED ON PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP AND ATTRACTING INVESTMENTS

Valieva Mukhlisa Saidullaevna
Tashkent State University of Economics

Abstract. The purpose of this study is to analyze ways of financing the country's economy based on public-private partnership (PPP), attracting investment and increasing exports. Public-private partnership serves to effectively ensure economic development through cooperation between the public and private sectors. The article examines the impact of PPP on economic growth, mechanisms for attracting investment in modern projects, as well as the necessary strategies for increasing export potential.

Keywords: public-private partnership (PPP), economy, financing, investment, export, development, efficiency, competitiveness, public sector, project

Кириш.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) моддий ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилишда муҳим рол ўйнайди. ДХШ моделлари давлатнинг иқтисодий ривожланишга олиб келадиган инвестицияларни жалб қилишдаги фаолиятини такомиллаштиради, хусусий секторнинг эса ноёб ресурслар, технологиялар ва ноанъанавий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини оширади.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни (Қонун, 2019) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон “Ўзбекистон-2030” стратегиясини (Қарор, 2023) 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи йўналишларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Қонуннинг кучга киритилиши мамлакатимизда давлат билан хусусий шериклар ўртасидаги мулкий муносабатларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни жойларда бартараф этишда хусусий сектор билан давлат секторини ижтимоий – иқтисодий ҳамкорлигига янги лойиҳаларни амалга оширишда намоён бўлади.

Давлат-хусусий шериклиги — бу инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи. Бунда давлат бошқаруви, худудий ҳукумат органлари ва Вазирлар маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади.

Адабиётлар шарҳи.

Австриялик иқтисодчи олим Ландесменнинг (2000) фикрича, таркибий ўзгариш ва таркибий ўсиш тушунчаси икки турда амалга ошади. Биринчиси – таркиблар тузилиши ўзгариши, яъни ишлаб чиқариш, иш билан банд кишилар сони, экспорт, импорт ва ҳоказолар. Иккинчиси –таркиблараро муносабатлардаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва ишчи кучи орасидаги алоқалар ёки тўғридан-тўғри инвестициялар, импорт-экспорт динамикаси ва бошқалар.

Эрмошина (2017) Молиявий активларнинг муваффақиятли айланмасини таъминлаш учун реал активлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳал қилувчи ўринга эга. Шунинг учун учта омиллар гуруҳини ўзида акс эттирувчи иқтисодиётда инвестицион жараён муҳимлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ: инвестициявий

салоҳият, инвестицион рисклар, инвестицион мұхит. Инвестицион салоҳият ишлаб чиқариш, инновациялар, молия, инфратузилма, экспорт ва бошқаларни ўз ичига олади.

Россиялик етук иқтисодчи олим Халимовскийнинг (2017) ушбу фикрларини келтириб ўтиш мүмкін, яъни “ДХШнинг асосий маҳияти бу давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлигигина эмас, шу билан бирга рискларни самарали тақсимлаш ҳамда хусусий секторнинг айрим давлат функцияларини амалга оширишда ва хусусий бизнес учун унчалик тааллуқли бўлмаган ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда билвосита иштирок этишидан иборатлигини айтади.

Макаров (2011) “ДХШ асосидаги инвестицион жараённинг инвестицион мұхити инвестицион жараённинг тизимли қоидалари натижаси бўлиб, инвестицион жараённи ташкил этувчи ва ҳаракат келтирувчи турли инвестицион институтлари ўзаро муносабатларининг асосини белгилаб беради. Бунда, бугунги кунда ДХШ самарали инвестицион институтга айланиб улгурғанлигини қайд этиб ўтиш жоиздир” дея талқин қиласди.

Шунингдек, рус олими Белискаяни (2009) фикрига кўра “Давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги-давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита давлат манфаатлари ва назорати соҳасидаги объектларга нисбатан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, мұхим давлат ва жамоат аҳамиятига эга бўлган лойиҳаларни самарали амалга ошириш мақсадида ҳамкорлар ўргасидаги хавфларни тақсимлашни назарда тутади” деб таърифлаган.

Шунингдек бу борадаги мавжуд муаммоларнинг ўзига хос илмий ва амалий жиҳатлари республикамизнинг бир қанча иқтисодчи олимлари, жумладан Курбанов, Магомадов, Сайдуллаевлар (2017) ДХШ рискларни камайтириш омиллари хусусий шерикнинг лойиҳани амалга оширишдан манфаатдорлигини кафолатлаш лозим. Бунда, давлат ўзининг молиявий ва маъмурий воситаларидан фойдаланган ҳолда хусусий шерикнинг айрим рискларини ўз зиммасига олиши мүмкін деган фикрларни билдиришади. Иқтисодчи олим Джуманиязов (2017) фикрига кўра “ДХШ -амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда, юзага келиши мүмкін бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир” дея таъриф беради.

Элмирзаев ва бошқалар (2019) таъкидлаганидек “ДХШ Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ДХШги мамлакат ва ҳудудий миқёсидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг самарали воситаси бўлиб, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан назоратни ушлаб туриш ва хусусий сектор билан самарли иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга маблағлар жалб қилиш ва амалга ошириш воситаси ҳисобланади. ДХШ асосидаги инвестицион лойиҳаларда хусусий сектор давлат томонидан белгиланган шартлар ва талаблар асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқариш вазифаларини амалга оширади” деган фикрларни айтади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида ДХШ асосида молиялаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш йўлларини ўрганиш жараёнидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари

ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек тизимда мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари, бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўннги етти йилда мамлакатимизга 78 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар кириб келган. Давлат-хусусий шериклик бўйича қонун қабул қилиниб, мингдан зиёд лойиҳалар бошланган, 1 минг 800 турдаги янги маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда барча тармоқларда 140 миллиард долларлик 366 та йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Инвестиция лойиҳалари доирасида йилига 15 миллиард долларлик ускуна, хомашё ва қурилиш материаллари олиб келинмоқда. Шуларнинг ҳар бирида маҳаллий улушни кўпайтириш имкониятлари изланмоқда.

Юртимиздаги йирик тармоқларда ҳам шундай имкониятлар бор. Масалан, энергетика тармоғини 2023 йилгача ривожлантириш дастурига мувофиқ, 36 миллиард долларлик 164 та қувват яратилади. Шундан 88 таси давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилади.

Тоғ-кон саноати бўйича ҳам 1 миллиард 230 миллион долларлик дастур қабул қилинган. Соҳадаги йирик комбинатларга маҳаллий корхоналар ўзаро манфаатли боғланган.

Автосалонда ҳам ушбу йўналишда ишга солинмаган имкониятлар кўп. Биргина қўшни давлатларда автомобиль эҳтиёт қисмларига йиллик талаб 1 миллиард долларни ташкил қиласиди. Маҳаллийлаштириш жараёнида нарх бўйича ҳам, сифат бўйича ҳам рақобатдош маҳсулот чиқариб, экспортни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ушбу йўналишлар бўйича аниқ лойиҳалар шакллантириб, имкониятларни натижага айлантириш керак. Саноат тармоқлари билан худудлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш, давлат харидларида маҳаллий маҳсулот ва хизматлар улушкини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Яқинда давлат-хусусий шериклик тамоили асосида 30 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари тасдиқланди. Бунда ҳар бир соҳанинг имкониятлари очиб берилган. Жумладан, транспорт бўйича 10 миллиард доллар, ижтимоий соҳаларда 6 миллиард доллар, коммунал тармоқда 5 миллиард долларлик режалар кўзда тутилган. Бу лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш, маблағларни самарали йўналтириш вазифалари белгилаб берилган.

Хусусий шерик – бу Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишdir.

Давлат-хусусий шериклиги қўйидаги соҳаларда амалга оширилади:

- фан, техника ва инновациялар;
- тиббиёт;
- таълим, маданият ва ижтимоий хизматлар;
- телекоммуникация;
- транспорт хизматлари;
- йўл сектори;
- уй-жой ва коммунал хизматлар;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;

- ёқилғи-энергетика ва кимё саноати;
- энергиянинг қайта тикланувчи манбалари;
- механик мұхандислик;
- металургия;
- қишлоқ ва сув хұжалиги;
- табиатни муҳофаза қилиш.

Ҳамкорлық асосан лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қурилиш, тиклаш, илмий тадқиқотлар, хизмат қўрсатиш, эксплуатация ва ишончли бошқарувни амалга оширишни ўз ичига олади.

Маълум бир лойиҳа доирасида шериклар бирга хизмат қилишининг асосий шартлари шартномада белгиланади. Уни тузиш учун эса тендер ўтказилади. Хусусий шерикка унинг лойиҳасини амалга ошириш учун давлат кафолатлари ва давлат иқтисодий кўмаги тақдим этилади. Маълумки, Президентнинг 2024 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикасида 2024–2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-308-сон қарори қабул қилинди.

"Ўзбекистон - 2030" стратегиясига мувофиқ ва ДХШ лойиҳаларига камида 30 млрд АҚШ доллари миқдорида хусусий инвестицияларни жалб қилиш мақсадли кўрсаткичига эришиш зарурияти туфайли қўйидагилар тасдиқланди:

- 2024–2026 йилларда устувор давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар;

- 2024–2030 йилларда ДХШ асосида амалга ошириладиган лойиҳалар дастури.

Бунда қўйидагиларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- камида 1 000 км замонавий пуллик магистрал автомобиль йўлларини қуриш ва модернизация қилиш, шу жумладан Тошкент-Самарқанд йўлини қуриш ишларини 2024 йилда ҳамда Тошкент-Андижон йўлини 2026 йилда бошлаш;

- йиллик энергия йўқотишлигини камида икки баравар пасайтиришни белгилаган ҳолда барча ҳудудларда электр тақсимлаш тармоқларини 2027 йил 1 июлга қадар, табиий газ тақсимлаш тармоқларини эса 2027 йил якунига қадар хусусий операторларга топширишни назарда тутувчи шартномаларни имзолаш;

- йилига қўшимча 30 фоизгача электр энергиясини тежаш мақсадида 2028 йилга қадар барча маънан эскирган ирригация насос станцияларини модернизация қилиш бўйича келишувларга эришиш;

- аҳолини тоза ва доимий ичимлик суви билан таъминлаш қамровини 87 фоизга, марказлашган оқова сув таъминоти қамров даражасини 30 фоизгача оширишни назарда тутган ҳолда 2028 йил якунига қадар ҳар бир ҳудудда ичимлик ва оқова сув тармоқларини модернизация қилиш ва бошқарувга бериш учун хусусий компанияларни жалб қилиш;

- 2026 йилдан бошлаб ДХШ асосида ҳар йили камида 100 та мактаб ва 100 та мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва бошқаришни ташкил этиш;

- илғор технологияларга асосланган тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 100 мингдан ортиқ беморларга хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли шифохоналарни қуриш ва уларни хусусий операторлар бошқарувига бериш.

Дастурга киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, Давлат-хусусий шериклик жамғармасига келиб тушган маблағларни самарали бошқариш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида "Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари маркази" лойиҳа оғиси ташкил этилади. Лойиҳа оғиси доимий равишда давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, ДХШ

йўналишида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш, уларнинг амалиётини чет элда ўтказиш ҳамда халқаро сертификатлар олишни ташкиллаштиради.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 23 миллиард 660 миллион доллар хорижий сармоя кириб келган. Шунингдек, 4 миллиард 600 миллион долларлик 120 та йирик қувват ишга тушган. Йил якунигача бу суръат давом этади. Шу тариқа 2017-2024 йилларда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий қиймати 100 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида молиялаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш механизмларини чуқур таҳлил қилишни мақсад қиласди.

1. ДХШнинг стратегик аҳамияти: Давлат-хусусий шериклик механизми, давлатнинг молиявий ресурсларини хусусий секторнинг инновацион тажрибалари билан бирлаштириш орқали иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради.

2. Инвестицияларни жалб қилиш: Тадқиқот, ДХШ орқали инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизмлари, хусусан, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятини аниқлайди.

3. Экспортни рағбатлантириш: ДХШ механизмлари, экспортни кўпайтиришда самарали усуллар сифатида хизмат қиласди.

4. Таълим ва малакали кадрлар: ДХШ механизмининг самарадорлигини ошириш учун малакали кадрларни тайёрлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва инновацион экосистемани ривожлантириш зарур.

5. Ижтимоий ва экологик таъсиirlар: ДХШ лойиҳалари, фақат иқтисодий самарадорликка эмас, балки ижтимоий ва экологик барқарорликка ҳам эътибор қаратиш керак.

Бундан ташқари, давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий шерикчилик асосида инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш – кафолати сифатида Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг юксалтиришга хизмат қилишини асосли таҳлиллар ва далиллар билан ёритилган илмий тадқиқот ишларини мунтазам равишда рағбатлантириб бориш тизимини яратилиши жамият фаровонлигига хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Landesmann, Michael Alroy (2000): *Structural Change in the Transition Economies, 1989 to 1999. The Vienna Institute for International Economic Studies, wiiw.*

Белиская А.В. (2009) Правовые формы государственно-частного партнерства в России и зарубежных странах / А.В. Белиская // Предпринимательское право. -Н2. -С.21-27.

Джуманиязов Умrbек Илхамович. (2017) Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назариюслубий масалалари. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар* илмий электрон журнали. №3, май-июн.

Ермошина Т.В. (2017) «Возможности минимизации инвестиционных рисков государственно-частного партнерства» -Интернет-журнал «Науковедение», том 9, №5 (сентябрь –октябрь)-[хттп://науковедение.ру](http://науковедение.ру)

Курбанов С.А., Магомадов Ш.А., Сайдуллаев Д.Д. (2017) Риски и их влияние на развитие государственно-частного партнерства в России//Проблемы и перспективы экономического развития регионов: Сб. Статей Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 45-летию образования Института экономики и финансов.. С. 82-86.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон "Ўзбекистон-2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари түғрисидаги қарори

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон "Давлат-хусусий шериклик түғрисида"ги қонуни.

Макаров И.Н. (2011) «Необходимость совершенствования институциональной среды государственно-частного партнерства в условиях России»// Российское предпринимательство. -№ 7-1 (187). -с. 74-79. -УРЛ: <http://bgscience.ru/lib/6927/>.

Халимовский Ю.А. (2017) "Концессионное соглашение: риски, связанные с составом объекта, и равное положение сторон"// Электронный ресурс // <https://zakon.ru/halimovskiy.22.11.2017>

Халқ сўзи (2024) <https://www.xs.uz> Халқ сўзи, "Хорижий инвестициялар, истиқболли лойиҳалар ва устувор вазифалар муҳокамаси" 2024-йил 23 октябр, №216 (8839)

Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. (2019) Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. №3, июн, йил.